

Қутлов!



Ҳаммамизга маълумки, яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Президенти Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гурухини мукофотлаш тўғрисида Фармонни имзолаган эди.

Қабул қилинган мазкур фармонга асосан Автомобиль йўллари соҳасида кўп йиллар давомида меҳнат қилиб келаётган бир гурух ишчи-хизматчилар ҳам юксак давлат мукофотларига сазовар бўлишиди.

Булар,



Қорақалпоғистон Республикаси Автомобиль йўллари бош бошқармаси, Чимбой туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси Саймбетов Пердебай Жумамуратович – "Меҳнат шуҳрати" ордени билан;



Хоразм вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси, Шовот туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси Аширов Курол Сапарбаёвич - "Содик хизматлари учун" медали билан;



Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси, Ангор туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси Ачилдиев Мустафақул Жўраевич - "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Азиз ҳамкаслар! Сизлар эришган ушбу ютуқлар бутун йўл соҳасида хизмат қилиб келаётган барча-барчани қувонтиргани табиий ҳолдир.

Сиздай юксак давлат мукофотига сазовор бўлган ҳамкасларни соҳада хизмат қилаётган барча йўлсозлар номидан муборакбод этган ҳолда оиласвий баҳт, узоқ-умр, соғлиқ-саломатлик ҳамда келгусидаги фаолиятингизга омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Яна бир бор юксак давлат мукофотлари муборак бўлсин!

Автомобиль йўллари қўмитаси

жамоаси